

3. Нардаев А.У. Проблемы духовного совершенствования в сборнике «Дурр ул - Мажолис» (жемчужины беседы) Сайфул-Зафара Навбахорий. Автореферат дисс. -Т.: 1997, 14-б.

4. Сайф ул-Зафар Навбахорий. Дурр ул-мажолис. -Т.: 1991. 9-б.

РЕЗЮМЕ

Мақола «Дурр ул-мажолис» асари мисолида ёзилган, бунда асосан виждон, имон-этикод, вафо ва садоқат, ҳаё ва такво, инсонпарварлик, меҳр муҳаббат, эзгулик каби умумбашарий ахлоқий меъёрлар таҳлил қилинган.

РЕЗЮМЕ

Статья построена на примере «Жемчужина беседы», в котором в основном анализируются общечеловеческие нравственные нормы, такие как совесть, вера, верность, преданность, скромность, благочестие, человеколюбие, сострадание, любовь и доброта.

SUMMARY

The article is based on the example of «Pearl of Conversation», which mainly analyzes universal human moral norms, such as conscience, faith, loyalty devotion, modesty piety, philanthropy, compassion, love and kindness.

ЁШЛАРДА ҒОЯВИЙ ИММУНИТЕТНИ ШАҚЛЛАНТИРИШ – УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ДАВРИНИНГ АСОСИЙ ПОЙДЕВОРИДИР

Қ.А.Қодиров – ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректори, педагогика фанлари доктори
Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтини

Таянч сўзлар: миллий ғоя, олий таълим, таълим-тарбия, Учинчи Ренессанс, маънавият ва маърифат, ёшлар тарбияси.

Ключевые слова: национальная идея, высшее образование, образование и обучение, третий Ренессанс, духовность и просвещение, воспитание молодежи.

Key words: national idea, higher education, education and training, Third Renaissance, spirituality and enlightenment, youth education.

Мамлакатимизда маънавий-маърифий ишларни тизимли ташкил этиш, бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш, мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, ватанпарварлик, халққа муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, бугунги кунда мамлакатимиз эзгу мақсадлар билан, “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” шиори остида тараққиётнинг учинчи даври, Янги Ўзбекистонни қуришга киришмоқда. Бу эса халқимизни ёруғ келажакка чорлаб ва янгиланишга сафарбар қилиб, умумий мақсадлар йўлида бирлаштириб турадиган яхлит маънавий асос ва мезонга айланиб, ўз куч ва имкониятларига бўлган Янги Ўзбекистонни барпо этиш ва Янги Уйғониш даври пойдеворини яратишдек улуғ мақсад йўлида жипслаштириб, янада кучли ва мустаҳкам қилмоқда.

Тарихан маълумки, она диёримиз дунё цивилизациясига муносиб ҳисса қўшган - мухташам иккита Ренессансга бешик бўлган.

Дунё тамаддуни тан олган **Биринчи Ренессанс** даври Имом Бухорий, Имом Термизий, Муҳаммад Хоразмий, Абу Наср Форобий, Аҳмад Фарғоний, Абу Мансур Мотуридий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино каби мутафаккир боболаримиз ҳаёти, фаолияти билан боғлиқ бўлиб, улар ўзларининг дунёга машхур асарлари билан жаҳонда ном қозонган.

Бу улуғ алломаларимиз мероси Маҳмуд Замахшарий ва Нажмиддин Куброни уйғотди, олий мақсад сари интилиш масаласи уларнинг ғояларида, асарлари ва хайрли амалларида акс этди.

Шунингдек, буюк давлат қуришдек ажодларимизнинг эзгу ғоялари Соҳибқирон Амир Темур бобомизни жаҳон сахнасига олиб чиқди ва Темурийлар Ренессанси, **Иккинчи уйғониш** даври ғоялари ва халқимизнинг бунёдкорлик фаолиятига кучли таъсир кўрсатди. Марказлашган қудратли давлат ва қонун устувор бўлган адолатли жамият ғоясида мужассам бўлди.

Айнан халқ армонини рўёбга чиқаришга бўлган интилиш Амир Темур ибн Тарағай Баҳодир даврида нафақат мамлакат мустақиллигини таъминлаш, балки қудратли давлат барпо этиш, иқтисодиёт, маданият, санъат ва илм-фан соҳаларини ривожлантиришга хизмат қилди.

Халқимизнинг орзу-интилишлари Мирзо Улуғбек, Қозизода Румий, Али Қушчи, Давлатшоҳ Самарқандий, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур каби **Иккинчи уйғониш** даврининг буюк сиймоларини уйғотди, уларнинг асарлари ва фаолиятида ўз талқинини топган комил инсон ғояларида намоён бўлди.

Давр фарзандларини юксак фазилатли инсонлар этиб тарбиялаш ўша замон маърифатпарварларининг ҳаётий ва фуқаролик этикодига айланди.

Бу орзу Машраб, Комил Хоразмий, Мунис ва Огаҳий, Бердақ ва Ажиниёз, Аҳмад Дониш сингари маърифатпарварларни уйғотди. Муқимий, Фурқат, Завқий, Нодира ва Дилшоҳи Барно, Анбар Отин асарларида ўз ифодасини топган билим ва маърифатга интилиш ғояларида мужассам бўлди.

Бу орзу маънавият ва маърифатни одамни нафақат қомилликка, эркин ва фаровон турмушга етакловчи, балки халқни миллий мустақилликка элтувчи бекиёс куч сифатида англаб етиш имконини берди.

Бугун эса, иродаси, шахду шиддати буюк халқимизнинг бундай ёруғ ва теран орзуси бугунги кунда жамиятимизнинг янги қиёфасини яратиш учун юксак марраларга интилаётган халқимизни **Учинчи Ренессанс** ғояси атрофида янада жипслаштирмоқда.

Таъкидлаш лозимки, дунёда рўй бераётган бугунги глобаллашув жараёни ўзининг ижобий жараёнлари билан бирга, бу жараёнларга тўсқинлик қилаётган мураккаб ва тенденциялар мавжудлигига гувоҳ бўлмоқдамиз. Яъни, жаҳонда, жумладан, Жануби-Шарқий Осиёдан тортиб Яқин Шарққача бўлган маконда қуролли тўқнашувлар кучайиб, ўзаро ишончсизлик ва низо, миллатлараро ва конфессиялараро ихтилофлар чуқурлашиб бораётгани, барқарор тараққиётга қарши бошқа глобал таҳдид ва хатарлар пайдо бўлмоқда. Бундай мураккаб ва таҳликали жараёнларда барчамизнинг фаолитимиз ҳар томонлама огоҳлик, сергақлик ва илму-маърифатга таянишни тақозо қилмоқда.

Негаки, биз ўз олдимизга Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилган эканмиз, бунга фақат ажодлар меъроси, мукамал тарбия, илму-маърифат ва инновация орқали эриша оламиз.

Айни пайтда ислохотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлодларни тарбиялаш устувор масаладир. Нафақат ёшлар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини ошириш учун аввало илм-маърифат, юксак

маданият зарур. Илм йўқ жойда колоқлик, жаҳолат ва, албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлиши табиий.

Энг катта бойлик - бу ақл-заковат ва илм, энг катта бу мерос бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик - билимсизликдир! [1]

Таъкидлаганимиздек, жаҳонда ғоявий-мафкуравий курашлар кескин давом этаётган, маънавий таҳдидлар кучайиб бораётган ҳозирги даврда ёшлар ўртасида миллий қадриятларга бепасандлик, зарарли ёт ғоялар таъсирига берилиш, жиноятчилик ва экстремизм ҳаракатларига адашиб қўшилиб қолиш ҳолатлари ҳамон учрамоқда.

Шу боис ҳам, Президент Ш.Мирзиёев жорий йилнинг 19 январь куни «Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш» [2] масалалари бағишланган йиғилишида: «...бугун дунёда кескин кураш ва рақобат ҳукм сурмоқда, манфаатлар тўқнашуви кучаймоқда. Глобаллашув жараёнлари инсоният учун бекиёс янги имкониятлар билан бирга қўтилмаган муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Миллий ўзлик ва маънавий қадриятларга қарши таҳдид ва хатарлар тобора ортмоқда. Фақат ўзини ўйлаш, меҳнатга, оилага енгил қараш, истеъмолчилик кайфияти турли йўллар билан одамлар, айниқса, ёшлар онгига устамонлик билан синдириляпти. Шунингдек, терроризм, экстремизм, трансмиллий ва кибер-жиноятчилик, одам савдоси, наркотрафик каби таҳдидлар хавфи ошиб бормоқда. Баъзи ҳудудларда атайин беқарорлик юзга келтирилиб, норозилик кайфияти авж олдирилмоқда», - деб аълоҳида таъкидлади.

Шу боис, ёшлар тарбияси, ғоявий тарбия масаласи Президентимиз раҳбарлигида давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланди: «Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир. Биз янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустақкам устунга таянамиз. Биринчиси - бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт. Иккинчиси - аждоқларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларга асосланган кучли маънавиятдир» [3], - деб алоҳида таъкидлади.

Мамлакатимиз таълим муассасаларида амалга оширилаётган маънавий-маърифий ишларнинг асл моҳияти ва пировард мақсади - бугунги мураккаб ва таҳликали замонда халқимиз маънавиятини ёт ғоялардан ҳимоя қилиш, азалий миллий қадриятларимизни сақлаб қолиб, ривожлантириш, ёшларимизни Ватанимизга, миллий ғоямизга садоқат руҳида тарбиялашдир. Бу борада кейинги йилларда бир қанча муҳим ҳужжатлар, жумладан, олий таълим тизимини модернизациялаш, ёшларнинг китобхонлик маданиятини ошириш, ёшларни адабиёт, маданият ва санъат соҳаларига кизиқтириш, диний маърифатни такомиллаштириш ва бошқа муҳим масалалар тўғрисида қарор ва фармойишлар қабул қилинди. Зеро давр биздан «Бугунги мураккаб мафкуравий глобаллашув замонида халқимиз, ёшларимиз маънавий

ҳаёти қандай кечаяпти?» «Қандай қилиб Интернет ва юксак технологиялар асрида миллий маънавиятимизни сақлаб қолиб, юксалтирамиз?», «Жаҳолатга қарши маърифат билан қандай курашишимиз керак?», деган саволларга илмий асосли, амалий ишларимиз билан жавоб беришни талаб қилмоқда.

Ёшларимизни ғоявий тарбиясини модернизациялаш - мамлакатимизда «Инсон кадрини үлүғлаш ва фаол маҳалла йили» Давлат дастүрида белгиланган жараёнлар билан үйғүн бўлиши талаб этилмоқда. Мана шундай янги тарихий вазиятда «Янги Ўзбекистонни ҳар томонлама инновацион ривожлантириш учун, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишимиз учун халқимиз, ёшларимизда қайси фазилатларни кучайтириб, қайси иллатларга чек қўйишимиз керак?», деган саволларга илмий жавоблар керак. Бу саволга маънавият жавоб бериши ва халқимизни бунёдкор ишларга даъват қилиши лозимдир.

Юқоридаги фикрлардан келиб чикиб, қуйидаги тақлиф-тавсияларимизни беришни маъқул топдик:

1. Бугунги кунда Олий таълим тизимида фаолият юритаётган ҳар қандай бўғиндаги ходим, аввало, юртимизда ҳамда дунё ҳамжамиятида рўй бераётган воқеалар мазмунидан хабардор бўлишлиги, воқеа моҳиятини чуқур англаган ҳолда дарс машғулотида давомида ёшларимизга биринчилардан бўлиб тўғри ва аниқ етказиш;

2. Юртимизда таълим жараёнига тадбиқ қилинган «Узлуксиз маънавий тарбия» концепциясининг Олий таълим тизимига қўйилган талабларини тўлақонли адо этиш;

3. Олий таълим муассасаларининг ижтимолий-гумантар фанлар йўналишидаги кафедралар томонидан ўқитувчиларнинг ишчи фан дастурлари ва маъруза матнлари мазмунини йилига бир марта эмас, балки тизимли равишда бугунги ғоявий ислохотлар, ёшлар тарбиясига қўйилаётган талаблар асносида доимий янгиллаб, бойитиб бориш;

4. Олий таълимнинг ҳар қандай бўғиндаги масъули Президентимиз раҳбарлигида олиб борилаётган давлат сиёсати нафақат олий таълимда, балки маҳалларда ва бошқада бириктирилган ўринларда ҳам энг фаол ва ташаббускор тарғиботчиси бўлишлиги лозим.

Хулоса сифатида таъкидлаш лозимки, аини йўналишда ёшлар билан бевосита яқиндан ишлашадиган синф раҳбарлари, тьюторлар, ота-оналар кенгаши, жамоатчилик кенгаши, устоз шогирд тизими ва Ёшлар иттифоқи ташкилотининг ўрни ҳамда масъулиятини ошириш, шунингдек, доимий назорат ва бирга ишлашни тизимли амалга ошириш лозим. Чунки, бугун давлатимиз Ўзбекистон тараққиётнинг янги босқичи - Учинчи Ренессанс даврининг пойдеворини яратишга қадам қўймоқда. Бугунги кун талабаси, бўлажак мутахассисларни Ўзбекистон тараққиётининг янги даври талаблари негизида ғоявий тарбиялаш, уларни мустақил касбий маънавий ҳаётга тайёрлаш - таълим-тарбия муассасаларининг барча бўғинларида фаолият кўрсатувчи ўқитувчи, устоз ва мураббийларнинг фаолиятига боғлиқдир.

Адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон Сратегияси. -Тошкент: 2021, 458-б.
2. «Жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир». Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 19 январь куни маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалаларига бағишланган йиғилишдаги нутқидан. Халқ сўзи газетаси, 2021 йил, 20 январь №13 (7793).
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи газетаси, 2020 йил, 30 декабрь №276 (7778).
4. «Ёшлар – Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги, бебаҳо хазинаси». Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ёшлари форумида сўзлаган нутқи.. Халқ сўзи газетаси, 2020 йил, 25 декабрь №273 (7775).
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат Мустақиллигининг 29 йиллиги маросимидаги нутқи. Тошкент, 31 август, 2020 йил. aniq.uz - интернет манбаси.

РЕЗЮМЕ

Мақолада, ёшларда ғоявий иммунитетни шакллантиришда ёшлар билан бевосита яқиндан ишлашадиган синф раҳбарлари, тьюторлар, ота-оналар кенгаши, жамоатчилик кенгаши, устоз шогирд тизими ва Ёшлар иттифоқи ташкилотининг ўрни ҳамда

масъулиятини ошириш лозимлиги кўрсатилган. Шунингдек, доимий назорат ва бирга ишлашнинг тизимли амалга ошириш бўйича тавсиялар берилган. Бугунги кун талабаси, бўлажак мутахассисларни Ўзбекистон тараққиётининг янги даври талаблари негизида ғоявий тарбиялаш, уларни мустақил касбий маънавий ҳаётга тайёрлаш – таълим-тарбия муассасаларининг барча бўғинларида фаолият кўрсатувчи ўқитувчи, устоз ва мураббийларнинг фаолиятига боғлиқлиги ҳам кенг ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье показана необходимость повышения роли и ответственности классных руководителей, воспитателей, родительского совета, общественного совета, системы «учитель-ученик», организации Союза молодежи, тесно взаимодействующих с молодежью в формировании идеологического иммунитета в молодые люди. Также даны рекомендации по систематическому осуществлению постоянного мониторинга и сотрудничества. Идеологическое воспитание сегодняшних студентов, будущих специалистов на основе требований новой эпохи развития Узбекистана, подготовка их к самостоятельной профессиональной и духовной жизни зависит от деятельности преподавателей, наставников и тренеров на всех уровнях образовательных учреждений.

SUMMARY

The article shows the need to increase the role and responsibility of class leaders, tutors, parents' council, public council, teacher-apprentice system, and the organization of the Youth Union, which work closely with young people in the formation of ideological immunity in young people. Recommendations for systematic implementation of continuous monitoring and cooperation are also given. Ideological education of today's students, future specialists based on the requirements of the new era of Uzbekistan's development, preparing them for independent professional and spiritual life depends on the activities of teachers, mentors and coaches at all levels of educational institutions.

УДК: 7.071.2

МУСИҚАЛИ ТЕАТРДАГИ МАҚОМДОН АЁЛЛАР

(XX асрнинг биринчи ярми)

Н.Пирматова – доцент

*Йонус Ражабий номидаги ўзбек миллий musiқа санъати институти***Таянч сўзлар:** мусикий театр, мақом, мумтоз асарлар, актёрлик, хонандалик, мақом театри.**Ключевые слова:** музыкальный театр, мақом, классические произведения, актерское мастерство, пение, театр мақома.**Key words:** musical theater, makom, classical works, acting, singing, makom theater.

Ўзбек халқи азалдан санъатни севган, алоҳида меҳр билан ёндошган ва йиллар давомида бу бойлиқни ардоқлаб келган. Айниқса, мумтоз musiқаларимиз, мақомларимизга бўлган халқимизнинг чексиз муҳаббати таҳсинларга лойиқдир. Ўзбек мумтоз musiқасининг ривожланишида эркак хонандалар билан бир қаторда аёл хонандаларнинг ҳам алоҳида ўрни борлигини эътироф этмоқ жоиз. Уларнинг мумтоз ашулаларимизни ижро этиш билан бир қаторда юртимизда фаолият олиб борган театрларда ижод қилганлиги ҳеч кимга сир эмас. Ана шундай ижодкорлардан бири Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мавлуда Аъзамовадир. Бу ижодкорнинг ҳаёти ҳақида тўхталмай, айнан театр соҳасида олиб борган фаолияти ва ижро этган асарлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтишни жоиз деб билдик. Мавлуда Аъзамова ижодий фаолияти давомида халқ театрида ҳам ишлаган. У ерда Зийнат Фатхулиннинг «Ғунчалар» пьесасида Гулнор образини яратади ва уни муваффақият билан ижро этади. Қайд этиш лозимки, Мавлуда Аъзамова биринчилар қаторида аёл образини сахнада яратиб ўйнаган санъаткор бўлиб тарихда қолди. У пайтларда халқ орасида санъатга қарашлар бошқача бўлган. Шунинг учун айниқса қизлар, аёллар театрда жуда кам бўлган. Аёл образлари эса эркаклар томонидан ўйналган [1:9]. Мавлуда Аъзамованинг бундай шароитда аёл образи билан сахнага чиқиши халқ орасида катта шов-шувларга сабаб бўлди. Кимдир унинг бу ишини яхши деб қабул қилса, кимдир маъқулламас эди. Аммо Мавлуда Аъзамова гап сўзларга эътибор бермай ўз санъатини янада ривожлантиришда давом этди. Устозларидан бир қанча асарларни ўрганиб ижро этди ва халққа тақдим этди. Ана шундай асарлардан бири Мавлуда Аъзамова ижросидаги «То муҳаббат» ашуласидир. Бу асарнинг мусикий йўли мураккаб тузилган. Асар тез суръатда ижро қилиниши керак. Шунинг учун ҳам унинг сўзларини талаффуз қилиш қийин. Буни бугунги кунда ҳамма хонандалар ҳам уддалай олмайди. Мавлуда Аъзамованинг ижроси эса бу борада жуда рисоладагидек чиққан. Ушбу асарнинг дутордаги ижроси ҳам мукамал. Асарни бутунича тинглай туриб, Мавлуда Аъзамова дутор чолғусининг ҳам моҳир ижросисига айланган дегер бемалол айти оламиз.

Мавлуда Аъзамова ижро этган асарлардан яна бири «Чўли Ироқ». Бу асарни дастлаб Орифхожи Алимахсумов, кейинчалик кўплаб аёл хонандалар ҳам

ижро этишди. Улар орасида Мавлуда Аъзамова ҳам бор. Мавлуда Аъзамова талқинида «Чўли Ироқ» янада гўзал, сержило, бебаҳо дурдона асарга айланган. Чўли Ироқ ҳақида не не musiқашуносу, шоирлар илмий изланишлар, шеърлар яратишмаган. Мавлуда Аъзамова қайси асарни ижро этмасин, албатта унга ўзгача меҳру муҳаббат билан ёндошган ва қалб кўри билан ижро этган. Шунинг учун ҳам унинг ижросидаги асарлар халқимиз томонидан бугунги кунда ҳам севиб тингланади ва ёш ижрочилар томонидан ижро этилади. Театрда ўйнаган роллари эса санъатимиз тарихида ўчмас из қолдиради.

Бетақдор овозга, ижро маҳорати эга бўлиш билан бирга Мавлуда Аъзамова ролларни қойилмақом ижро этиб халқимизнинг олқишига сазовор бўлган яна бир аёл ижодкор Назира Юсуповадир. 1944 йилдан Назира Юсупова вилоят театрига ишга тақлиф этилган ва шу даврдан бошлаб ёш хонанда концертларда ўзбек мумтоз ашулаларидан «Феруз», «Талқини Рост», «Ёрни гули галди», «Рост Фарёди», «Ушшоқ» каби асарларни қуйлаб муҳлислар олқишига сазовор бўла бошлади. Назира Юсупованинг жозибали «халқумли» овози ўзига хос бўлиб, у ижро этган ашулаларни, бошқа аёл хонандалар у даражада маромига етказиб ижро қила олмаганлар. Бунинг ёрқин мисолини «Феруз» асарида яққол пайқашимиз мумкин. Назира Юсупова талқинидаги «Феруз» мутахассислар томонидан, бошқа, ҳатто эркак хонандалар талқиниданда юксак баҳога лойиқ топилган. «Феруз» дарҳақиқат, аёл ижрочилари орасида Назира Юсупова талқинида жуда беназир. Ўзига хос яратилиш тарихига, ижро қонуниятларига, қатъий тартибига эга бўлган бундай асарни ижро этиш хонандадан маҳорат, жасорат, истеъдод, қучли овоз ўзига хос ижро услуби ва улкан юрак талаб этилади. Демак, Назира Юсуповани ана шундай ижрочилар қаторига қиритиш мумкин.

Назира Юсупова театрда ҳам хонанда, ҳам актриса сифатида танила бошлади. У ҳаммаша халқ хизматида бўлди. Халқнинг кўнглидан жой олишга, уларни бетақдор асарлардан баҳраманд этишга ҳаракат қилди. Бу интилишлар бесамар кетмади, албатта. У 1950 йили ўзбек театр санъати ривожини йўлидаги хизматлари учун Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвонига сазовор бўлди.

Мақом хонандалиги ва актрисалик фаолиятини қойилмақом олиб борган яна бир аёл ижодкор Зайнаб Полвоновадир. У Избоскан тманида тузилган musiқали